



Бу воқеа — ботинка тозаловчининг қандай қилиб миллионер бўлган ҳақидаги эртак эмас. Бу оддий одам воқеаси бўлиб, у ўз қобилиятини амалда жорий эта олган.

"ҚАНДАЙ УЙЛАБ ТОПИШ ВА СОТИШ МУМКИН?"

2-бет

Бола халқи биз — катталардан ҳам кўра пулни яхши кўришади. Энди бизнинг ҳозирги вазифамиз ана шу пулни тадбиркорлик ва ҳалол йўл билан топишни ўргатишдир.

"ТАРБИЯ ҚИЛГАНИМИЗ — ОДОБЛИ ВА ЮВОШ БОЛАЛАР, БИРОҚ"

3-бет

Ҳар бир киши бирор нарсага қизиқади. Бизнинг ташкилотчимиз Салим Тўраевич овқатга ишқивоз. У киши ҳар бир гапиде бирорта таомга шаъма қилиб, ланжлигига, тез пишишига, аччиқ-ширинлигига, шўрлигига қиёслаб, "чимчиб-чимчиб" гапиради.

"МУСОБАҚА"

4-бет.

ТОҶИГ ҲОЛДУЗИ

№10


(6528)

30 март, 1993 йил

СЕНАНБА

Баҳоси 3 сўм.

Ўзбекистон болалари ва ёшларининг газетаси



Шунақаси ҳам бўлади...

У ўйланади, таажжубга тушади, ҳайратланади, аския қилади... шу билан ҳаммани кулдирсам, уларга қувонч улашсам дейди. Ўзи эса ҳеч нарса бўлмагандек, Шерзод Боймуродов бўлиб Ўрта Чирчиқ туманидаги 43-мактабда ўқиб юраверади. Хуллас, аския жони дили. Уйда унинг бир альбому бор. Унда Юсуфжон қизиқ Шакаржонов, Муҳиддин Дарвешев, Ҳожибой Тожибоев, Мирзабек Холмедов, Обид Асомов каби кулгу усталарининг суратлари бор. Суратлар остида эса уларнинг ичакузди латифаларидан нарчалар... Шунинг учун ҳам 1 Апрель Шерзоднинг энг севимли байрами. Сиз ҳам, азиз муштарийлар, ушбу кун кулинг, кулдинг, бир-бирингизга қувонч улашинг. Токи бу дилхушлик умрингизни узайтирсин, кўнгул ғуборини тарқатсин.

Сураткаш Р. АЛЪБЕКОВ.

«Илҳом чашмалари»



Еш истеъдодларга берилаётган алоҳида эътибор улар орасидан жуда кўп моҳир қўлли, ҳақиқатда изланувчан болаларни оламга танитмоқда. Мана, яқинда Тошкент шаҳридаги ижодкор болалар уйида иқтидорли ёшларнинг ишларидан қизиқарли конкурс ташкил этилди. Унда иштирок этган болалар ҳайкалтарошлик, рассомлик, хунармандчилик маҳоратларини намойиш этдилар. Кўргазмани томоша қилишга келганлар жумҳуриятимизда узоқ йиллардан буён ардоқланиб келинаётган хунармандчилик турлари — кулолчилик, ёғочга нақш ўйиш, тўқиш бўйича қўли гул "уста"лар борлигига амин бўлдилар. Кўргазмадаги ишларга республикадаги таниқли рассомлар, хунармандлар баҳо бердилар.


Суратларда: ҳакамлар ҳайъати — халқ рассом Рўзи Чориев ва ҳаваскор рассом Раҳим Маҳмудов "Илҳом чашмалари" кўргазмаси иштирокчилари даврасида.

Шаҳар ижодкор болалар уйи аъзоси Нигора Юнусованинг зардан ишлаган чопони.

Тошкент шаҳридаги 85-мактаб ўқувчиси М. Муслимова тиккан камзулчалар.

А. Икромов тумани ижодкор болалар уйи аъзоси Сайёра Қодированинг "Кураш" номли расми.

Р. АЛЪБЕКОВ суратга туширган.



ХАНДАЛАР

— Ботир, — дейди ўқитувчи ажабланиб, — мушук ҳақида сен ёзган иншо акангникига жуда ўхшар экан.
— Ҳа-да, — дейди Ботир ҳам кўзларини каттароқ очиб, — биз бир мушук ҳақида

ёзганмиз.

БЕМОР ВРАЧ ҚАБУЛИДА

— Доктор, негадир менинг қорним оғрияпти.

— Эрталаб бирор нарса еганмидингиз?

— Йўқ, ҳеч нарса.

— Бўлмаса кеча нима егандингиз?

— Қандайдир мевалар.

— Мана бу дориларни сотиб олинг.

Ҳар кун эрталаб ва кечқурун кўзингизга томизинг.

— Нега? Ахир менинг кўзим оғримаяпти-ку?

— Бу дори бундан кейин нима саятганингизни яхши кўриш учун.



Диққат, радио-викторина!

Азиз ўқувчилар! Ўзбекистон Қизил Ярим Ой Жамияти Республика радиосининг болалар ва ўсмирлар учун эшиттиришлар муҳарририяти билан ҳамкорликда "ЎЗБЕКИСТОН ҚИЗИЛ ЯРИМ ОЙ ЖАМИЯТИНИНГ ТАРИХИ ВА ФАОЛИЯТИ ҲАҚИДА" мавзуда радио-викторина ўтказишга қарор қилди.



Қуйида ана шу викторинанинг саволлари билан танишасиз.



1. Ўзбекистон Қизил Ярим Ой Жамияти қачон тузилган ва унинг биринчи фахрий раиси ким эди?

2. Ўзбекистон ҚЯОЖнинг Улуғ Ватан уруши йилларидаги фаолияти ҳақида нималар биласиз?

3. Ўзбекистон ҚЯОЖ фаолиятининг асосий йўналишлари нималардан иборат?

4. Ўзбекистон миллий ҚЯОЖ қачон ташкил топган?

5. Ўзбекистон ҚЯОЖ табиий офатлар вақтида қачон, қандай ёрдам кўрсатиб келган?

6. Донорчилик ва ҳолис донорчилик ҳақида нималар биласиз?



7. Мактаблардаги санитария постлари нима билан шугулланади, мактабнингиздаги санпост гуруҳи тўғрисида нималар биласиз?

8. Мактабнингизда "Меҳрибонлик" ва "Ғамхўрлик" отрядлари борми, улар ҳақида фикрингиз?

9. Мактабнингиздаги ҚЯОЖ фаоллари меҳнат ва Улуғ Ватан уруши ветеранларига қандай ёрдам кўрсатмоқдалар?

10. Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш нима дегани ва унга сизнинг қўшаётган ҳиссангиз?

11. "Ёш шифокор" клублари тўғрисида нималар биласиз?

12. Ўзбекистон ҚЯОЖнинг нишони ҳақида нималар биласиз?

13. ҚЯОЖнинг қандай мукофоти бор ва бу мукофот билан кимлар тақдирланади?

14. Флоренс Найтингейл медали кимларга берилади?

15. Ўзбекистонда Флоренс Найтингейл медали билан кимлар тақдирланган?

16. Халқаро Қизил Хоч ва Қизил Ярим Ой Жамияти Федерацияси қайси давлатда жойлашган ва у ҳақида нима биласиз?

17. Ўзбекистон миллий ҚЯОЖнинг халқаро Қизил Хоч ва ҚЯОЖ Федерациясига аъзо бўлишининг қандай аҳамияти бор?

18. Ўзбекистон ҚЯОЖнинг ҳозирги фахрий аъзоси ким?

19. "Меҳр-шафқат" ҳамширалари кимларга хизмат қилади?

20. Ўзингиз истиқомат қилаётган вилоят, туман шаҳар ҚЯОЖ ҳақида нималар биласиз?


УШБУ РАДИО-ВИКТОРИНА ШУ ЙИЛ 1 МАРТДАН 20 МАЙГАЧА ДАВОМ ЭТАДИ.

Ҳар ҳафтада бир марта эфирга чиқади. Викторина голиблари 1 июнь — Халқаро болаларни ҳимоя қилиш кунинда эълон қилинади.

ВИКТОРИНА ҒОЛИБЛАРИ УЧУН УЧТА МУКОФОТ АЖРАТИЛГАН: республика мидаги энг яхши болалар оромгоҳига йўлланма ҳамда Жамиятнинг эсдалик совғалари топширилади.

Викторина саволларига йўллаган жавобларингизни қуйидаги манзилгоҳга юборишингизни сўраймиз:

Тошкент, 700031. Педагоглар кўчаси, 30-уй, 8-хона. "РАДИО-ВИКТОРИНА"га деб ёзинг.




Дўстлик манзилгоҳлари

"ОВОЗ БЕРИНГ, ДЎСТЛАРИМ!"

Муҳарририятимизга мактуб йўллаган фарғоналик Дилфуза Ҳамроева ўз мақоласини шундай номлабди. Мактубда ёзишчи, Дилфуза аъло ўқиши ва намунали хулқи учун Бутуниттифоқ пионерлар лагери "Артек" да дам олиш бахтига муяссар бўлган экан. У ўшанда оромгоҳда танишиб, қадрдонлашган дўстларидан мактублар ололмаётгани ҳақида куюниб ёзади. Ва ниҳоят уларга газета орқали мурожаат қилишга қарор қилибди:

"Дўстларимга хат ёзганман, лекин жавоб келмапти. Гулмира, Муяссар, Шавкат, овоз беринг, дўстларим!"

Шунингдек, республикамизнинг турли бурчақларида яшовчи тенгдошлари билан дўстлашиш истагини билдириб, муҳарририятимизга мактуб йўллаган ўқувчилар ҳам талайгина. Қуйида уларнинг манзилгоҳларини эълон қиламиз:



713200, Фарғона вилояти, Ўзбекистон тумани, Ленин кўчаси, 146-уй.

Дилфуза ҲАМРОЕВА. *** 700179, Тошкент шаҳри. С. Раҳимов тумани, 1-тор кўча Нозимахоним, 18-уй.

713612, Фарғона вилояти, Олтиариқ тумани, Файзиобод қишлоғи, Ленин кўчаси, 54-уй. *** Шаҳло ЖАЛИЛОВА.

711034, Андижон вилояти, Асака шаҳри, 34-мактабнинг 7-синф ўқувчиси Зебунисо ХОЛИҚОВА. *** Маъмура МАҲПИРАТОВА.



Ишбилармон болалар мактаби

Қандай ўйлаб топиш ва сотиш мумкин?



Барбара Дейл ўртокларига табрик отриткаларини доимо ўзи тайёрларди, яъни қаттиқроқ қоғоз олиб, уни иккига буклардида, бир томонига ёзув машинкасида дил сўзларини ёзар, бир томонига эса чиройликини қилиб расм чизарди. Бир куни у ўз отриткаларини унча катта бўлмаган дўкон хўжайинига кўрсатди: зора у биронтасини сотиб берса?

Қарангки, отриткалар "кета бошлади". Кейин Барбара ўз ишларини санъатга оид китоблар ва турли плакатлар билан савдо килувчи киоскага олиб борди. Бу ерда ҳам талабгорлар чикди.

Маълум вақт ўтгач, Дейлнинг ишларига қоғоз чикиндиларидан матбаа маҳсулотларини тайёрлашга ихтисослашган компаниялар қизиқиб қолишади. Шу тариха

сотилмайди, дегани эмас). Турли дўконларнинг бошқарувчиларидан чиқармоқчи бўлган нарсангиз ҳақида сўраб-суриштиринг, каталог ва шу каби маҳсулотларни ишлаб чиқаришга ихтисослашган корхоналар ҳақидаги адабиётлар билан қизиқинг.

2. ИМКОНИ бўлса, бирор кимсага кўрсатиш учун маҳсулотингизнинг бир ёки бир неча намунасини тайёрланг. Агар бу иш корхона иштироки билан битадиган бўлса, унинг чизма, лойиҳа ёки расмларини тавсия қилинг. Лекин бир нарсани унутманг: маҳсулотингиз намунасини бирор корхона ёки дўкон эгасига кўрсатишдан олдин, маҳсулотингиз ҳақидаги сирни ошкор қилмаслик ва сизнинг розилингизсиз уни ишлаб чиқармаслик тўғрисида шартнома тузинг.

Чунки калифорниялик Билл Сейлел билан шундай воқеа бўлган. У мушуклар учун портатив гимнастик зал ўйлаб топди. Яъни оиланинг бу севимли жониворлари унда мебелларни тирнолмас ва пардаларга осилолмасдилар, хуллас, уларнинг шўхликлари уй эгасига ҳеч қандай зарар етказмасди. Аввалга бу кашфийтни маъқуллаган компания, кейин эса уни рад этди. Бирок Билл икки йил ўтиб, ҳайратга тушди. У ўйлаб топган мушукларнинг "роҳатижони" не кўз билан кўрсинки, ҳайвонот дўкони расталарида турарди. Шунда маълум бўлдики, буни Биллнинг таклифини рад этган компания ишлаб чиққан экан. Ҳайриятки, Билл олдиндан ошкор этмаслик ва ишлаб чиқармаслик тўғрисида битим тузган бўлиб, у суд орқали компаниядан 130 минг доллар миқдоридан зиёни ундириб олади.

3. ЎЗ ҒОЯНГИЗНИ ҳимоя қилинг. Модомики, агар сиз ўз маҳсулотингизни сотишга қарор қилдингизми, уни қонуний ҳимоя қилишнинг барча чораларини кўринг. Агар сизнинг маҳсулотингиз янги ва техник жиҳатдан мураккаб бўлса, энг яхшиси унинг учун патент олганингиз маъқул, бироқ бу анча қийин ва узок жараён. Бунинг ўрнига сиз маҳсулотингиздан қандай фойдаланиш ҳақидаги йўриқномага муаллифлик ҳуқуқини ҳам олишингиз мумкин, шунингдек, ўз савдо марказингизни, унинг номи ва ёзилишини рўйхатдан ўтказинг, бироқ аввал унинг номи ва ёзилишидан сизгача ҳеч ким фойдаланмаганлигига тўла ишонч ҳосил қилишингиз зарур.

4. БАРИ БИР сиз маҳсулотингиз намуналарини тайёрлашда бир оз маблаг сарфлашингизга тўғри келади: бу ишлаб чиқарувчиларни қизиқтиришининг яхши йўлидир. Балки шундан кейин улар сизга ўзлари маблаг ажратишар. Маҳсулотингизни намойиш этишининг яна бир усули — турли кўргазма ва ярмаркаларда иштирок этиш. бўлиб, уларда "қизиққан шахслар" қатнашадилар, ажабмас бирортаси келажақда сизнинг ҳомийингиз бўлиб қолса.

5. ВА ОХИРИ: билингки, маълум бир миқдорда пул сарфламай, катта фойда ололмайсиз. Агар сиз юқоридан тавсиялардан келиб чиқиб, маҳсулотингиз истеъмолчи учун зарурлигига ишонч ҳосил қилган бўлсангиз — ўз корхонангизни рўйхатдан ўтказиш ва банкдан қарз олишдан чўчиманг. Албатта сиз банк мутасаддисини қарз олишингиз мақсадга мувофиқ эканлиги ҳақида ишонтира оласиз — ахир сизнинг маҳсулотингиз арзийди, шундай эмасми?!

«Ровестник» журналидан олинди.



Дейл ҳам кичик бир компания эгасига айланади. Ҳозирги кунда унинг отриткалари типографик усул билан кўпайтирилиб, бутун Америкада сотилмоқда.

Бу воқеа — ботинка тозаловчининг қандай қилиб миллионер бўлганлиги ҳақидаги эртак эмас. Бу оддий одам воқеаси бўлиб, у ўз қобилиятини амалда жорий қила олган. Орамизда эса ҳеч кимнинг хаёлига келмаган оддий нарсалардан у каби "кашфийт" қила оладиганлар кўплаб топилади, фақат бунга астойдил кунт қилиш керак, холос.

Қуйида эса ўз шахсий маҳсулотини ишлаб чиқаришга жорий этмоқчи бўлганлар эътиборига бир неча оддий қоидаларни келтирамиз.

1. АВВАЛО, бозор сизнинг маҳсулотингизга ростдан ҳам муҳтож бўлиб, сиз таклиф этаётган нарсани ҳақиқатан янгилик эканлигига ишонч ҳосил қилиш учун бозорни мустақил равишда тадқиқот қилинг (Чунки маҳсулотингизни маҳаллий дўконларда кўрмаган бўлсангиз ҳам, у бошқа жойларда

Туроб акага болалигида колхоз раисининг от устида қамчи ўйнатиб, сўкани ҳамон алам қилади, ҳамон бу ҳақорат қулоғи остида жаранглайди: "Энағар, онаннинг пинжига тиқилмай Холтойнинг ўрнига далага чиқмайсанми?"... Уша кўклам у эндигина ўн ёшга тўлган эди. Отаси уйдаги йўқчиликдан аччиқланиб, оғайнилари билан шаҳарга, мардикорликка кетганди. Шунинг учун раиснинг вазоҳатидан кўрқди. Колхоз ишига чиқмаган отасига гап тегмасин деб оғир кетмонни елкасига олганча шудгорга чопди. Хўрлиги келди. Отаси бундай сўкмайди-ку... Бировдан аччиқланса, тишларини ғижирлатиб, "аканг айлансин" деб, қўяди, вассалом. Кейин билинар-билимас кулиб қўяди, уришганиям, яхши гапирганиям сезилмайди. Каттаю кичикка олдиндан салом бергани учунми оғайнилари "Ассалому алайкум" деб чақиршади... Раис эса қаттиқ сўкди... Орадан йиллар ўтса-да, бу ҳақорат ҳамон унинг қулоғи остида жаранглайди, юрагида муҳрланиб қолгандек гўё. Шунинг учунми Туроб ака болаларга бўлган муносабатда жуда эҳтиёткор. Болаларни ҳақоратлаш, уларга қўпол муомалада бўлиш уларнинг руҳиятига жуда оғир ботади, деб ҳисоблайди у...

Ҳокимнинг хаёлан болаликка қайтиб, эслани шу аламли воқеа бўлди, негадир беғубор шўхликлари, қувончли дамлари тўғрисида сўз очмади. Бошқа ортиқча тафсилотларга ҳам берилмай мақсадага ўтди.

— Беш ўғил, икки қиз ва уч неварам бор — улар менинг жону дилим. Туманимизда 40 та мактаб бўлиб, уларда 20043 нафар ўғил-қиз ўқийди. 43 та болалар боғчаларида эса 5965 нафар кичкинтой тарбияланади. Туманимиз келажаги — шулар.

— Мактабларингиз аҳволи сизни қониқтирадими?

— Уларнинг 80 фоизи яхши биноларда жойлашган. 40 фоизида болалар кўплигидан ўқишлар 2 вақтда олиб борилади. Айниқса, 20-мактаб шароити бироз оғирроқ. Бино эски, дарслар 2 вақтда ташкил этилган. II-мактаб болалари эса ўтган киш иситиш системаси носозлигидан бироз қийналдилар. Шу икки мактаб мушкулни осон қилишни ўз бурчим деб ҳисоблайман.

— Мана, сиз-ҳокимсиз.

Фарзандларингиз ўқиётган мактабда ёки синфда ўтказиладиган ота-оналар мажлисларига қатнашиб турсизми?

— Тўғриси айтсам, бу масалада болаларнинг онаси фаолроқ. Чунки 25 йиллик педагогик малакаси бор. Қолаверса, фарзандларим ҳам ота-онасига гап теккизмасликка одатланишган. Уларнинг кеч соат саккиздан кейин кўчада сандироклаб юришларига йўл қўймайман. Кўпроқ молларга, томорқага қараш сингари уй-рўзгор ишларига банд қиламан.

— Улар сизнинг бирор ишингиз ёки гапингизга норозилик билдиришган ҳоллари бўлганми?

— Йўқ... эслолмайман. Лекин ишда турли буйруқ, кўрсатмалар беришга одатланиб қолганим учунми ўзим ҳам сезаман, ўғилларимга ҳам шу оҳангда иш буюраман чоги. Баъзида эса кўпроқ қаттиққўллик қилиб юбораман, ҳаммасига чидашади... Кичигимиз Ойбекжон I-синфга боради. Бир куни унга "Монтана" дегувчи спорт кийимини олиб бердим. Ва у мактабга кийиб бора бошлади. Шунда онаси "бу матоҳни синфда фақат ўғлингиз кияр экан" деб қолди. Дарров хушёр тортидим. Хаёлимга бир 16 яшар боланинг отаси "Монтана" спорт кийимини олиб бермагани учун ўзини осиб қўйгани воқеаси келди. Шундай экан, ўғлимнинг эгнидагига ўртоқларининг ҳавас қилиб, кийгилари келиши, кейин уларига бориб, ота-оналарига хархаша қилишлари табиий эди. Хуллас, унинг мактабга бу кийимда боришини ман этдим. Ушанда ўғилларим мендан бироз хафа бўлишувди.

— Маълумки жиноятчилик



ТАРБИЯ ҚИЛГАНМИЗ — ОДОБЛИ ВА ЮВОШ БОЛАЛАР, БИРОҚ

биз, ота-оналар, уларнинг қобилият ва дунёқарашларини ривожлантириш, кенгайтиришга кам эътибор берамиз, — дейди Тошкент вилояти, Юқори Чирчиқ туманининг ҳокими Туроб ака ХОЛТОВ.

болалар ва ўсмирлар ҳисобига ҳамон ёшариб бормоқда. Буни тўхтатиш борасида кўриляётган чоралар самараси ҳақида сиз нима дейсиз?

— Биласизми, инсон тугилишидан онгли мавжудотдир. Шу сабаб гўдакка эътибор бермаслик, уни ўз ҳолига ташлаб қўйиш — гўдак онгига, келажақда унинг етук инсон бўлиб етишишига салбий таъсир кўрсатади.

Демокриманки, ҳар қандай жиноят ва унинг олдини олиш биринчи галда ота-онага боғлиқ. Болаларни темир панжаралардан, қабихлик ва разолатдан, оғудан фақатгина улар сақлаб қоладилар. Лекин минг афсус, кўлимиздан келадиган шу кароматга ҳаммамиз ҳам қодирмасмиз. Лоқайдмиз, бефарқмиз. Подадан қайтмаган сигирини жонимиз халак бўлиб қидирамизу тонготар қилиб келган ўғилга парвойи фалакмиз. Шундай экан, ҳуқуқ-тарғибот органларининг болалар жиноятчилигига қарши олиб бораётган уринишлари самарасиз қолаверади.

— Шанба, якшанба кунлари вақти-вақти билан туманингиздаги бозор ва дўконларни айланар

экансиз. Айтинг-чи, баъзи савдо расталарида турган болаларга муносабатингиз қандай?

— Етмиш йил бўйига қизил галустук тақиб юрган пионернинг бугун олдингизга келиб, кутилмаганда сизга фойдали иш ёки фикрни таклиф этиши, савдо растасида кўли-қўлига тегмай хизмат кўрсатишидан ҳеч ажабланмаслик, ташвишга тушмаслик керак. Келинг, масалага жўнроқ қарайлик. Болаларнинг ота-онаси, акалари назорати остида иш ўрганишининг, ёрдам беришининг нимаси ёмон?... Бола халқи биз — катталардан ҳам кўра кўпроқ пулни яхши кўришади. Энди бизнинг ҳозирги бозор иқтисодиёти муносабатлари шаклланаётган пайтдаги вазифамиз ана шу пулни тадбиркорлик ва ҳалол йўл билан топишни ўргатишдир. Сармойни ақл билан сарфлаш ва тадбиркорлик билан кўпайтириш кўникмаларини

бўлиш, хатосини англаш, тўғрилаш имконини бериш керак. Куруқ панд-насихат, айтганингиздай, тескари натижа ҳам келтириб чиқариши мумкин. Тўғри, кўпчилик оилаларда фарзандлар фақат одоблигина бўлиб қолишади. Ота-оналар қобилият ва интилишларини ҳам ривожлантириш кераклиги ҳақида қайгурмайдилар.

Бир вақтлар қилинган социологик тадқиқотларга кўра, Ўзбекистонда болаларнинг 70—80 фоизи мусиқани нозик қабул қила олиш қобилияти билан тугилар экан. Болтиқ бўйи республикаларида эса бу 13 фоизни ташкил этаркан, ҳолос. Энди қаранг, улар шу 13 фоиз қобилиятни ривожлантириб, меҳнат қилиб, 70—80 фоизга чиқаришади, бизда эса эътиборсизлик туфайли бу кўрсаткич 13 фоизга тушиб қолади. Кўриниб турибдики, биз фарзандларимизнинг қобилият ва дунёқарашларини ривожлантириш, кенгайтиришга кўпам

эътибор бермаймиз. Уларнинг аниқ фанларга, техник ижодкорликка бўлган қизиқишларини сезмаймиз. Ўз "қобигимиз"га ўралашиб қолаверамиз: "қорни тўқ, усти бут, ёмон бола эмас" дея шукур қиламиз, ҳолос. Кўпроқ ҳамма жойда, ўринлими-ўринсиз одоб сақлашга, индамасликка ўргатамиз. Шунданми, уларнинг нутқлари ҳам "камбагал". Фикрларини бир жойга жамлаб, тўғри ва ихчам қилиб ифода этишга қийналадилар. Уларга иккиланиш ва ийманиш халақит беради. Охир-оқибатда ҳақноҳликларни билмай, журъатсиз бўлиб қоладилар. Ватанимизга эса ўктам, қобилиятли, дунёқарашли кенг болалар керак.

— Ҳозирги бозор иқтисодиёти муносабатлари шаклланаётган мураккаб бир пайтда ҳаммага қийин. Аммо агар имкони бўлса, туманингиз болалари учун қандай яхши ишларни амалга оширган бўлардингиз?

— Ҳар қандай шароитда ҳам болалар қувончи, уларнинг келажаги учун қайғуриш бурчимиздир. Мана, Тошкентда болалар учун ажойиб "Оймомо" дам олиш парки бор. Шунга ҳавас қиламан. Ниятим—туманимиз болалари учун ҳам худди шундай "Оймомо" паркни қуриб бериш. Унда турли аттракцион ўйинлари, ҳалинчақлар, концерт ва мусобақалар учун сахна, қайиқлар бемалол сузадиган, болалар чўмиладиган каттакон ҳовуз бўлади.

Яна бир ниятим — туманимиз худудида болалар учун дори-дармонларни бепул тарқатиш. Ишбилармон, қобилиятли болаларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш. Уларга тижорат, менежментлик, маркетинг ва тадбиркорликнинг бошланғич сирасорларини ўргата бориш. Улар учун бу борада мактаблар ташкил этиш, машгулотлар, учрашувлар ўтказиш. Токи, келажақда чинакам тижоратчилар, бизнесменлар, тадбиркорлар, катта завод ва фирма эгалари ўз орамиздан чиқисин.

— Мазмунли суҳбатингиз учун ташаккур. Бу эзгу ниятларингиз амалга ошишига тилакдошмиз.

— Айтганингиз келсин. Раҳмат!
Суҳбатдош: А. БЕРДИМУРОДОВ.

Суратда: Туроб ака турмуш ўртоғи Лолахон опа ҳамда фарзандлари — Ойбек ва Отабек билан.

Сураткаш Р. АЛБЕКОВ.

Сафар ҚУРБОНОВ

МУСОБАҚА

ҲАЖВИЯ

Ҳар бир киши бирор нарсага қизиқади. Бизнинг ташкилотчимиз Салим Тўраевич овқатга ишқивоз. У киши ҳар бир гапидā бирорта таомга шайма қилиб, ланжлигига, тез пишишига, аччиқ-ширинлигига, шўрлигига қиёслаб, "чимчиб-чимчиб" гапиради. У киши келганидан бери тарбиявий соатлар нуқул пазандаликка бағишлаб ўтказилапти. Зиёфатга боришга маҳтал Салим Тўраевич кейинги пайтларда очик тарбиявий соатлар таҳлилини синф раҳбариникида ўтказадиган одат чиқарди.

Дарсларга бериладиган баҳо зиёфатнинг қуюқ ёки суюқлигига қараб қўйиладиган бўлди. Аммо шу кунгача бирор зиёфатда ҳеч ким унинг "Тўйдим, раҳмат!" деганини эшитмаган. Ўзиниям кўз-кўз қилса арзийдиган гавдаси бор-да. Оғирлиги нақ бир килоси кам 200!

Наврўз ойини сабрсизлик билан кутган ташкилотчимизнинг қувончи чексиз бўлди. Чунки бу ой унинг туғилган куни. Шунинг учун бу кунни "Пазандалар конкурси"ни ўтказиш билан нишонламоқчи бўлди. Эчкига жон қайғуси, қассобга мой, деганларидек, ўқувчиларга ғалаба нашидасини суриш, Салим Тўраевичга эса — шу кунгача тўймаган қоринни тўйдириш! Мана, сизга мақсад!

Шунга қўра, овқат турлари ва сони ҳисоблай бошланди. Ҳайъат раиси Салим

Тўраевич тўнтарилган қозондек қоринни зўрға тортиб, ўзидан қолишмайдиган ўринбосари билан ҳисоб-китобга тушди. Ҳар бир таомдан оғзига солиб: бу сумалак, буниси чучвара, бу манти, гўжа... дея оғзини кап-кап очарди, томоғидан кулдурум



тортганга ўхшаш товуш ва лабини "чилп-чилп" ялагани эшитиларди. Шундан сўнг Салим Тўраевич ва ёрдамчиси столнинг алоҳида ўзлари учун ажратилган тўкин жойига ўтиришиб олгач, тāmшаниб оғзининг сўлагини йиғиштиролмаи ўтиришганларга овқатнинг сифатини текшириш учун рухсат берилди. Ҳайъат аъзолари иш бошланиши билан мусобақачиларга бадий қисми бошлашга ишора қилинди. Синовчи хўрандалар орасидан "Оҳ, мазза!", "Зўр!", "Менгайм чўзинг!" деган иштаҳани китикловчи бир-бирдан ширин сўзлар тез-тез эшитиларди.

Хўрандалар тепасида турган турна қатор ўқувчилар сўлагини оқизишганча ютини-шиб, гоҳ унинг, гоҳ бунинг оғзига қарашар, кимнинг кўп ва тез овқат ейишини муҳокама қилишни бошлаб юборишган эди.

Кўпчилик ўқувчилар Салим Тўраевичнинг столи тобора бўшаб, қорни шардек шишган сари олдидаги столни суриб бораётганини, кўйлагининг икки тугмаси зўриқиб узилганини гоҳта қизиқиш билан кузатишар, бирови "ўнта бичак еди деса", бошқаси "бир-икки лаган чучварани кўрдим", демаганини, "икки коса гўжани ичиб, ана ҳозир учинчи коса сумалакни симиряпти", деб тортишардилар. Аммо, Салим Тўраевич учинчи коса сумалакни охиригача етказолмай оғриқнинг зўридан кўзини чирт юмдию, орқага чалқанча ағдарилиб тушди. Мусобақа тўхтаб, конкурс қиёмат қойимга айланиб кетди.

Ярим соатлардан сўнг келган "Тез ёрдам" машинасига Салим Тўраевични беш киши зўрға ортиб юбордилар. Ҳақимнинг айтишича, ошқозон пардасининг йиртилишидан ҳушидан кетган, йиқилганда мияси қаттиқ лат еган экан.

Ҳа, қутлуғ кунда таваллуд топган Салим Тўраевич қутлуғ кунда дунедан ана шундай...

Омин, руҳлари шод бўлсин!

РАССОМ ХАНДАЛАРИ

— Илтимос, савҳатлар ҳақидаги китобингни ўқишга бериб тур!


— Кечирасан, беролмайман ва мен умуман ҳеч кимга китоб бермайман.

— Нега?

— Чунки уларни қайтариб беришмайди-да.

— Ишончинг комилми шунга?

— Мутлақо! Ўз тажрибамдан маълум: мен ўз кутубхонамни шундай йиққанман.




— Сизлар ҳали ҳам ўша ғала-ғовурсиз тинч уйда яшайсизларми?

— Афсуски йўқ.

— Кўчдинларми?

— Йўқ, телевизор сотиб олдик.



Она кўзгу олдида кўзларини епиб турган кичик қизидан ҳайрон бўлиб сўради:

— Вой, нима қилганинг бу?

— Қандай ухлашимни томоша қилаяпман.



Ўқитувчи ўқувчига савол беради, у эса жим.

— Нима, қийинроқ савол бердимми?

— Йўқ, нега жавоби қийин экан, фақат.



Ўқувчи тарихни ўқиб ўтирар экан, деразадан кўчага қараб хўрсинди. Ўйнагиси келди.

— Эҳ, XVI асрда туғилганимда яхши бўларди!

— Нега?

— XII аср тарихини ўқиб ўтирмай, кўчага ўйнагани чиқардим.

ТАБРИКЛАЙМИЗ! • ТАБРИКЛАЙМИЗ! • ТАБРИКЛАЙМИЗ! • ТАБРИКЛАЙМИЗ!



Азиз ва меҳрибон ойижонимиз Қумрихон НУРМАТОВА!

Сизни 60 ешингиз билан чин дилдан табриклаймиз. Сизнинг сермашаққат, аммо шарафли касбингиз-ўқитувчиликда бардамлик, сабр-тоқат тилаймиз.

Ойижон, бахтимизга дадажонимиз Абдумажит билан давру даврон суриб, соғ бўлиб юринглар.

Ўғил, қизларингиз, келин, кувларингиз ва 8 нафар набираларингиз номидан ГОФИРЖОН,

Тошкент тумани, Х. Абдулаев номли 2-мактабнинг 3-синф ўқувчиси.



Азиз фарзандимиз ЗОКИРЖОН!

Туғилган кунинг муборак бўлсин. Ушбу қувончли кунингизда дилингни қамраган бегубор туйгулар келажакда амалга ошин. Сенга худодан узоқ умр ва соғлиқ тилаймиз. Келажакнинг нурафшон бўлсин.

Даданг Тўра БОБОҚУЛОВ, Нуробод тумани, Ҳамзармали қишлоғи.



Азиз жияним МАНЗУРАХОН!

Умрингнинг 13 баҳорини қаршилаганинг қутлуғ бўлсин. Ёшингга еш, умрингга умр қўшилаверсин. Доимо соғ, бахтиёр бўл! Омад сенга ер бўлсин. Барча яхши тилакларни тилаб: амманг Малоҳат, бувинг ва буванглар.

МАМАНОВлар оиласи, Қашқадарё вилояти, Чирокчи туманидаги Қирғиз қишлоғи.



Азиз кенжатойимиз ОРИФЖОН!

12 баҳоринг муборак бўлсин. Умринг узун, ризқинг баланд бўлсин. Келажакда Она Ватанимиз — мустақил Ўзбекистоннинг мустақил фикрловчи ориф кичиларидан бўлишингни Оллоҳдан тилаймиз.

ПОВЛОНОВЛАР оиласи. Наманган вилояти, Учқўрғон тумани, Қайқи қишлоғи.



Ҳурматли синфдошимиз ХУСНИДДИНЖОН!

Сени туғилган кунинг билан чин дилдан табриклаймиз. Ўқиларингда муваффақиятлар тилаб, ҳамisha аъло хулқинг билан кўпчиликка намуна бўлиб юринишга тилақдошимиз.

Эзгу ниятлар билдириб: синф раҳбари Н. ТЕМИРОВ ҳамда СИНФДОШЛАРИНГ.

Бухоро вилояти, Шофиркон туманидаги Ойбек номли мактаб.

Бош муҳаррир: Акрам БЕРДИМУРДОВ.

Таҳрир ҳайъати:
Ф. ЖАЛИЛОВА, Т. КАРИМОВ, А. КҮЧИМОВ,
М. ПИРМАТОВ /масъул котиб/,
М. РАҲИМБЕРДИЕВА, Ш. СУННАТОВ,
Д. ТУРАХМЕТОВА.

Тягисе этувчи:

ЎЗБЕКИСТОН ЕШЛАР ИГТИФОҚИ
МАРКАЗИЙ ҚУМИТАСИ
Газета 1929 йил, 1 августдан
«ЛЕНИН УЧҚУНИ» номи билан
чўда боплагани.

Газета ҳафтанинг сешанба куни чиқади.

Маълумот учун телефон: 33-49-45

Бизнинг манзилгоҳ:
700083. ТОШКЕНТ ШАҲРИ,
ЛЕНИНГРАД КҮЧАСИ, 32-УЙ.
Нашр кўрсаткичи: 64563
Чоғ этиш вақти — 18.00.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Маҳкамасининг Ишлар бошқармаси ҳузуридаги "ШАРҚ" нашриёт-матбаа концерни

Газета IBM компютерерида терилди ва саҳифаланди. Корхона манзили: "Буюк Турон" кўчаси, 41-уй.

Рўйхатдан ўтиш тартиби № 000137. Буёртма № Г-128. 67539 нусада босилди. Ҳажми — 1 босма табоқ. Оффсет усулида босилган. Қоғоз бичими А-3.

Газетамизнинг навбатдаги сони 13 апрель куни чиқади.

Босишга топшириш вақти 19.00. Босишга топширилди 19.00.